

“16”июль 2022 йил .

Янгийул тумани.

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Тошкент вилоят Янгийул туман Ободонлаштириш бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш юритувчи бошлик К.Караджанов бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган “Геострой Престеж”МЧЖ Низоми асосида иш юритувчи рахбари О.Рахматов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **ЮКСАЛИШ МФЙ** кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 13 июль кунги танловда (ЛОТ рақами № 118126) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **385 534 954(уч юз саксон беш миллион беш юз ўттиз тўрт минг тўққиз юз эллик тўрт)** сўми ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ғазначилик тизимидан (УзАсбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунда “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, “**Пудратчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунда ўтказиб беради.

2.4. “**Пудратчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар “**Буюртмачи**” гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “**Буюртмачи**” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинги ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойлarda ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро хужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “**Пудратчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “**Пудратчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Пудратчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Пудратчи**” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “**Пудратчи**” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. **“Пудратчи”** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Буюртмачи”**га топширмаган тақдирда, **“Буюртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Буюртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, **“Буюртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 170-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 " Пудратчи " нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, " Пудратчи " да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда " Буюртмачи " ва " Пудратчи " ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

6.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан "Буюртмачи" нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"БУЮРТМАЧИ"

Янгийул туман Ободонлаштириш Бошқармаси
Ахил мфй Самарканд 30
Х/р 234020003000100001010
Стир: 201122919, КХХК Тошкент шаҳар, МБ
Л/сч. 401722860272597065200110005
МФО 00014 СТИР 206105483.

Рахбар

К.Қараджанов

"ПУДРАТЧИ"

1. GEOSTROUY PRESTIJ МЧЖ

Тошкент вилояти, Бука тумани,
А.Кодирий кучаси 5 уй,
Х/Р: 20208000000686305001, ТИФ Миллий банки
Ромитон филиали, МФО: 00943, ИНН: 304398450,
ОКЕД: 41201,
Тел.97-302-2020

Рахбар:

О.Рахматов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Xizmat ko'rsatish shartnomasi. "GEOSTROY PRESTIJ" (STIR: 304398450) MCHJ hamda Yangiyo'l tumani obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida shartnoma raqami №O/b-0107-16/2022-sonli, umumiy summasi 385 534 954(уч юз саксон беш миллион беш юз ўттиз тўрт тўққиз юз эллик тўрт) so'm bo'lgan Yangiyo'l tumani "YUKSALISH" MFY hududidagi ko'chalarni joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma loyihasi.

3. Loyiha taqdim etuvchi to'grisida ma'lumot: Shartnoma loyihasi "GEOSTROY PRESTIJ" (STIR: 304398450) MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan. Yangiyo'l tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan Markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 18.07.2022 yilda kiritilgan, xujjat raqami HM42305543.

4. Ushbu shartnoma loyihasi fuqarolik kodeksi hamda 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xojalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi. Shuningdek, loyihaga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "DAVLAT XARIDLARI TO'G'RISIDA"gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko'ra o'tkazilgan tanlashni o'tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 13.07.2022 yildagi № 118126 lot orqali "GEOSTROY PRESTIJ" (STIR: 304398450) MCHJ g'olib deb topilgan.

Yuqorida keltirilganlarga hamda huquqiy ekspertiza natijalariga asosan,

XULOSA:

Birinchidan, Loyiha va unga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilgandan so'ng amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq degan xulosaga kelindi;

Ikkinchidan, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to'g'ri o'tkazilganligi hamda komissiya a'zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiroki to'grisidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas'uliyat xarid komissiyasi raisi va a'zolarida ekanligi

tasdiqlanadi,

Bundan tashqari uchinchidan, loyiha taqdim etuvchiga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-sonli "Davlat budjetining g'azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori talablari asosida G'aznachilik bo'limidan majburiy tartibda ro'yxatdan o'tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro'yxatdan o'tkazilgandan so'ng kuchga ega bo'lishi to'g'risida ma'lum qilinadi.

Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihati bilan bog'liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.

Yangiyo'l tumani adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi boshligi



S.Djamalov

18.07.2022